

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил май ойининг 6-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Каримов, И.Исмоиловнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, жабрланувчилар Қ.Нурматов ва Б.Муминов ҳамда судланувчи М.Абдуллаева ва унинг ҳимоячиси “Mukammal himoya sari” адвокатлик бюроси адвокати М.Муйдиновларнинг иштирокида, Абдуллаева Мукаддасхон Ботиралиевнага нисбатан 1-1513-2202/159-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдуллаева Мукаддасхон Ботиралиевна (ABDULLAYEVA MUKADDASXON BOTIRALIYEVNA) - 1971 йил 20 июнь куни Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, уй бекаси, Марғилон шаҳар, Янгиобод Маҳалла фуқаролар йиғини, Болтакўл кўчаси 19<sup>а</sup>-уйда рўйхатда туриб, Марғилон шаҳар Турон маҳалла фуқаролар йиғини, Истиклол кўчаси 76-уй 15-хонадонда яшайди, иш бўйича иш бўйича муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини

2022 йил 3 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган,

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараси, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, ишдаги далилларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи М.Абдуллаева ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил март ойидан май ойига қадар бўлган вақт оралиғида фуқаро Қ.Нурматовни уяли телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланишини билиб, унинг Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган уяли телефон аппаратлар савдо дўконида кўришиб, ундан пулларини бўлиб тўлаш шарти билан уяли телефон аппаратларини сотиб олишини айтиб, алдаб, ундан турли хилдаги жами 1.700 АҚШ доллар (17.893.350 сўм)лик 8 дона телефон аппаратларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, телефон аппаратларни тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, М.Абдуллаева ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил август ойида фуқаро Б.Муминовни уяли телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланишини билиб, унинг Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган уяли телефон аппаратлар савдо дўконида кўришиб, ундан уяли телефон аппаратлари сотиб олишлигини, пулларини эса бир ой муддатда тўлиқ қилиб беришини айтиб,



алдаб, уни 2.540.000 сўмлик бир дона “Samsung Galaxy A32” русумли телефон аппаратни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, телефон аппаратларни тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи М.Абдуллаева судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2021 йил март ойида Қ.Нурматовнинг савдо дўконига бориб, ундан пулларини бўлиб бериш шарти билан саккиз дона уяли телефон аппаратларини 1.700 АҚШ доллариға сотиб олгани, кейин ушбу уяли телефон аппаратини ўзига нотаниш бўлган шахсларға сотиб, пулларини ўзини ишларига сарфлаб юборгани, лекин уни пулларини бера олмай қолгани, бундан ташқари, 2021 йил август ойида Б.Муминовни ҳам савдо дўконига бориб, пулларини бўлиб бериш шарти билан ундан ҳам бир дона уяли телефон аппаратини 2.540.000 сўмға сотиб олиб, уни ҳам бошқа шахсға сотиб юбориб, пулларини бера олмай қолгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчиларға етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

Судланувчи М.Абдуллаеванинг содир этган жинояти ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топган.

Жабрланувчи Қ.Нурматовнинг суд мажлисидаги, у ҳозирда Марғилон шаҳар марказида жойлашган савдо дўконида уяли телефон аппаратлар савдоси билан шуғулланишини, судланувчи М.Абдуллаевани яхши танишини, у 2021 йил март ойидан 2021 йил май ойига қадар жами саккиз дона турли хил русумдаги нархи 1.700 АҚШ доллари бўлган уяли телефон аппаратларини олти ой давомида пулларини бўлиб-бўлиб бериш шарти билан сотиб олиб, пулларини бермагани, ундан пулларини сўраганида, у турли бахоналарни қилгани, кейин ушбу ҳолат юзасидан ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда судланувчи М.Абдуллаева томонидан моддий зарарни қоплаш учун допозит ҳисоб рақамиға тўланган пулларни уни фойдасига ўтказиб берилишини, шу билан унга етказилган моддий зарар қопланиши ҳақидаги кўрсатуви;

Жабрланувчи Б.Муминовнинг суд мажлисидаги, 2021 август ойида судланувчи М.Абдуллаева уни савдо дўконига келиб, ундан нархи 2.540.000 сўм бўлган “Samsung A 32” русумли телефон аппаратини пулларини кейин бериш шарти билан сотиб олиб кетгани, унга 200.000 сўм пулларини бериб қолган 2.340.000 сўм пулларини бермагани, ҳозирда у томонидан ҳисоб рақамиға тўланган пуллардан уни фойдасига ундириб беришини сўраб берган кўрсатуви;

шунингдек, судланувчи М.Абдуллаеванинг айби жиноят ишидаги тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в.38) ҳамда бошқа далиллар билан ҳам ўз исботини топган.

Судланувчи М.Абдуллаеванинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи М.Абдуллаева ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил март ойидан май ойига қадар бўлган вақт оралиғида фуқаро Қ.Нурматовни уяли телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланишини билиб, унинг Марғилон



шаҳар, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган уяли телефон аппаратлар савдо дўконида кўришиб, ундан пулларини бўлиб тўлаш шarti билан уяли телефон аппаратларини сотиб олишини айтиб, алдаб, ундан турли хилдаги жами 1.700 АҚШ доллар (17.893.350 сўм)лик 8 дона телефон аппаратларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, телефон аппаратларни тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, М.Абдуллаева ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил август ойида фуқаро Б.Муминовни уяли телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланишини билиб, унинг Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган уяли телефон аппаратлар савдо дўконида кўришиб, ундан уяли телефон аппаратлари сотиб олишлигини, пулларини эса бир ой муддатда тўлиқ қилиб беришини айтиб, алдаб, уни 2.540.000 сўмлик бир дона “Samsung Galaxy A32” русумли телефон аппаратни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, телефон аппаратларни тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши, 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади деб белгилаб қўйилган.

Суд, судланувчи М.Абдуллаевага нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик



принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унинг айбига тўлиқ иқдор ва пушаймонлиги, аёл киши эканлиги, оилавий аҳволи, етказилган зарар қоплангани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Шунингдек, суд моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи М.Абдуллаева томонидан тўланган ва Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилояти филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 21.000.000 (йигирма бир миллион) сўм пуллардан моддий зарар учун жабрланувчи Қ.Нурматов фойдасига 1700 АҚШ доллари (11.132,56 сўм 2022 йил 6 май ҳолатига Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида) жами 18.925.352 (ўн саккиз миллион тўққиз юз йигирма беш минг уч юз эллик икки) сўм, жабрланувчи Б.Муминов фойдасига 2.074.648 сўм (икки миллион етмиш тўрт минг олти юз қирқ саккиз) сўм ўтказишни лозим деб топди.

Иш бўйича жабрланувчилар Қ.Нурматов ва Б.Муминовга моддий зарар қопланганлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим деб топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457,460,463,465-468,471-472 ва 473-моддаларига асосланиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Абдуллаева Мукаддасхон Ботиралиевна (ABDULLAYEVA MUKADDASXON BOTIRALIYEVNA) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Абдуллаевага, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жинояти учун иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан М.Абдуллаевани 2022 йил 10 февраль кунидан 2022 йил 11 февраль кунига қадар (1 кун) дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб (3 кун) ҳисоблаб, чегириб, узил-кесил ўташ учун М.Абдуллаевага 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо, жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.



М.Абдуллаевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича судланувчи М.Абдуллаева томонидан тўланган ва Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилояти филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 21.000.000 (йигирма бир миллион) сўм пуллардан моддий зарар учун жабрланувчи Қ.Нурматов фойдасига 1700 АҚШ доллари (11.132,56 сўм 2022 йил 6 май ҳолатига Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида) жами 18.925.352 (ўн саккиз миллион тўққиз юз йигирма беш минг уч юз эллик икки) сўм, жабрланувчи Б.Муминов фойдасига 2.074.648 сўм (икки миллион етмиш тўрт минг олти юз қирқ саккиз) сўм ўтказилсин.

Иш бўйича жабрланувчилар Қ.Нурматов ва Б.Муминовларни моддий зарар қоплангани ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида, шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Каримов



**Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович**



Хужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 08.05.2022

